

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВА ШОҲСАНАМ ШАРИФБОЕВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ “МАЪНАВИЯТ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
КАТЕГОРИЯСИНИНГ “АХЛОҚ” УМУМИЙ СЕМАЛИ
АТОВ БИРЛИКЛАРИ ТИЗИМИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Бобожонова Шохсанам Шарифбоевна

Ўзбек тили “маънавият” лексик-семантик категориясининг
“ахлоқ” умумий семали атов бирликлари тизими..... 5

Бобожонова Шохсанам Шарифбоевна

Система номинативных единиц с общей семой «мораль»
лексико-семантической категории «духовность» узбекского языка 21

Bobojonova Shokhsanam Sharifboyevna

The system of nominative units of the lexical-semantic category “spirituality”
of the uzbek language with the common theme “morality” 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВА ШОҲСАНАМ ШАРИФБОЕВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ “МАЪНАВИЯТ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
КАТЕГОРИЯСИНИНГ “АХЛОҚ” УМУМИЙ СЕМАЛИ
АТОВ БИРЛИКЛАРИ ТИЗИМИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil1539 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, профессор

Худойназаров Икром Имамович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "28" декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru). Қарши давлат университети, 2-бино, 202-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (138 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "16" декабрь куни тарқатилди (2022 йил "16" декабрь даги 21 рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиёва
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.д. (DSc), доцент

Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
филол.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида “ахлоқ” умумий семали тил бирликларини лингвистик аспектда очиб бериш, ҳар бир тилнинг ўзига хос таҳлил ва таснифи шу тилнинг тарихий илдизларидан келиб чиқиб, унинг миллий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланмоқда. Миллий тилнинг лингвистик муаммоларини қиёсий, тарихий, лингвистик нуқтаи назардан яшаб турган муҳит асосида очиб беришни тақозо этмоқда. Лингвистика ва маънавиятшунослик муносабатларини ўзаро алоқадорликда очиб бериш ҳар иккала соҳа ривожининг тараққиётини таъминлашда зарур манба сифатида хизмат қилмоқда. Шунга қўра, миллий тилда акс этадиган терминлар ва уларнинг лисоний асосларини очиб бериш, тил ва маънавият алоқаларини ўзаро боғлиқликда аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда миллий ўзлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган халқлар учун “маънавият”, “ахлоқ” масаласини аниқлаш ҳамда маънавий-маърифий лексикасининг лисоний табиатини очиб бериш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда лингвомаънавиятшунослик йўналишидаги муаммолардан бири шахс ахлоқий сифатлари ва унинг миллат тараққиётидаги ўрни масаласи тадқиқ қилинмоқда. Бу борада, жумладан, “маънавият”, “ахлоқ” тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг семантик муносабатларини тиклаш, бу семантик муносабатларни ҳосил қилувчи унсурларни аниқлаш, атов бирликларнинг лексик-семантик, тил парадигмасидаги маънавий мазмун ва унинг маъносиасосида тавсифлаш ва бу соҳадаги мавжуд назарий қарашларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида бугунги кунда шахс маънавий сифатларини ифодаловчи тил бирликларининг тизимли тадқиқ қилинаётганлиги, миллий маънавиятни акс эттириш имкониятлари бугунги илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топмоқда. Бу соҳага оид кўплаб илмий ва илмий-оммабоп адабиётларишлаб чиқилмоқда. Ушбу соҳада ҳозирга қадар “маънавият” лексик-семантик категориясининг “ахлоқ” маъновий гуруҳини ифодаловчи атов бирликлар тизими изчил тадқиқ этилмаганлиги, уларнинг лисоний имкониятлари ёритилмаганлиги ва ёш авлод онгида ахлоқий эҳтиёжларни турлича тавсифлашга қаратилган лингвистик базанинг шакллантирилмаганлиги ҳамда керакли тизимнинг яратилмаганлиги бу борадаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлмоқда. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир”¹. Шунинг учун, ижтимоий-гуманитар фанлар

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи / Янги Ўзбекистон, 2021 йил 7 ноябрь. №223 (479).

йўналишида “маънавият” категориясига оид тадқиқотларни кўпайтириб, уларнинг амалий самарадорлигини ошириш ўта муҳим. Шу маънода “ахлоқ”ни ифодаловчи атов бирликларини систем-структур, когнитив ва лексикографик аспектда лингвистик жиҳатдан аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон “Фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида “spirituality”, ўзбек тилшунослигида “маънавият” атамасининг моҳиятини ўрганишга доир инглиз тадқиқотчилари Л.Л.Нюман, Д.Хав, Р.Танйи, М.Мулдонн, В.Хилл кабиларнинг ишлари эътиборга сазовордир. Рус тилшунослигида Т.В.Малевич, С.М.Коннова, В.Г.Гак, Т.Г.Огородникова, К.А.Колкунова² каби олимлар “духовность” атамасининг тилшуносликдаги ўрни ва ўрганилиши борасида тадқиқот олиб боришган.

Ўзбек тилшунослигида ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида маънавият муаммосига бағишланган қатор тадқиқот ишлари мавжуд.

²Аристотель. Никомахова этика // Аристотель. Сочинения в 4-х томах, Т-4. – М.: Мысль, 1983; Гусейнов А., Ирриц Г. Систематизация античной этики // Краткая история этики. – М.: Мысль, 1987. – С. 93-148; Толстой Л.Н. Полн. собр. соч. в 90 т. Т. 47. – М.: Художественная литература, 1937. – С. 30; Этическая мысль: Научно-публицистические чтения. – М.: Политиздат, 1990. – С. 223; Гусейнов А.А., Апресян Р.Г. Этика: Учебник. – М.: Гардарики, 2000. – 472 с; Новейший философский словарь / Составитель А.А.Грицанов. – Мн.: Изд. В.М.Скакун, 1998. – С. 779.

Хусусан, Г.Тожиева, Ф.Юлдашев, Ю.Ходжиев, М.Ахмедова³ларнинг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳамда луғат ва қўлланмалари чоп этилган. Бироқ шундай йўналишда “ахлоқ” маъновий гуруҳи лингвистик муаммо сифатида махсус тадқиқ этилмаган ва кун тартибига қўйилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур иш Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасидаги “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг структур, семантик ва лексикографик муаммоларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларини аниқлаш;

“ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг қўлланиши, таснифи, структур хусусиятларини ўрганиш;

“ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг лексикографик талқини муаммоларини ўрганиш;

ушбу атов бирликларни семантик гуруҳлаш ва гуруҳлар ўртасидаги семантик муносабатларни ёритиш;

“ахлоқ” тушунчасини ифодаловчи атов бирликларнинг концептуал луғатда берилиши муаммоларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек тилидаги “маънавият” лексик-семантик категориясига оид “ахлоқ” умумий семали атов бирликлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг семантикаси, структураси ва лексикографикхусусиятидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, дифференциал-семантик, фреймал ҳамда концептуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали бирликларининг лексик тизимда алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ сифатида барқарор ўринга эгалиги атов бирликларнинг таркиби ҳам бошқа мавзуий гуруҳлар сингари тил тизимида шакл, мазмун ва семантик структурага эга эканлиги исботланган;

“ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг маънодошлари ва умумий, хусусий семантик маъноси орқали қўлланишидаги ўзаро фаол ва нофаоллиги билан характерланиши аниқланиб, атов бирликларнинг шакл ва маъно

³Тожиева Г. “Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти” (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими): фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Қарши, 2017; Юлдашев Ф. Ўзбек тилининг “маънавият” лексик-семантик категорияси “этикод” маъновий гуруҳи атов бирликлари тизими. Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Термиз, 2021; Ходжиев Ю. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари. Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020; Ахмедова М. Ўзбек тилидаги “маънавият” ва инглиз тилидаги “spirituality” умумий семали атов бирликлари типологияси. Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2019.

муносабатининг структуравий ва системавий хусусиятларидан келиб чиқадиган лисоний ва нолисоний омиллари мавжудлиги далилланган;

Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликлари шаклий структурасига кўра сўз, содда, кўшма, жуфт сўз шаклларида ҳамда мураккаб ва барқарор бирикмалар шаклида ҳам учраши, сўз шаклидаги бирикмалар туб ва бирикма шаклидаги атов бирликлар содда ва мураккаб бирикма шаклидаги бирликларга бўлиниши аниқланган;

“ахлоқ” маъновий гуруҳи адолатли бўлиш ахлоқи, виждонли бўлиш ахлоқи, ватанпарварлик ахлоқи, ростгўйлик ахлоқи, инсонпарварлик ахлоқи, андишали бўлиш ахлоқи, ор-номусли бўлиш ахлоқи, сабр-токатли бўлиш ахлоқи, оилапарварлик ахлоқи бирликлари билан “Маънавий муносабатлар ахлоқи” уясини ҳосил қилиб, миллий-маънавий ва Шарқ ахлоқини шакллантирувчи энг асосий тушунчалар эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг семантик хусусияти ёритилиб, ушбу хусусиятнинг ўзаро алоқадорлиги, тил лексикасидаги ўрни аниқланган;

“ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг шаклий структур хусусиятлари ёритилган, шу асосда “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг қисқача изохли луғати яратилган ҳамда олий ўқув юртларининг магистратура ва бакалавриат босқичлари талабалари учун “Семасиология”, “Лингвокультурология”, “Лексикография” фанларининг машғулотларини ташкил этиш ва ўқув адабиётларини яратишда зарур манба бўла олиши асосланган;

“ахлоқ” умумий семали атов бирликлари тизимининг синонимик ва парадигматик муносабатлари очиқ берилган ҳамда атов бирликларнинг парадигматик хусусиятларининг ёритилиши натижасида унинг “маънавий” майдони шаклланишига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лингвистик таҳлил методологияси асосида шакллантирилгани, фойдаланилган усул ва назарий маълумотлар бирламчи илмий ва услубий манбаларга асосланганлиги, таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, фреймал ҳамда дифференциал-семантик таҳлил усулларида фойдаланилгани, назарий фикр ҳамда хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили семасиологияси ва лексикографияси, тилшунослик ва маънавийшунослик нуктаи назаридан ўзбек тилидаги “ахлоқ” категориясининг лексик-семантик хусусиятларининг назарий манбаларини яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, ўзбек тилининг замонавий академик ва ўқув луғатларини яратиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик, хусусан, мавжуд луғатлардаги изох ва шарҳларни мукаммаллаштиришга, лексикологик маълумотларни бойитишга, олий таълимдаги “Лексикология”, “Семасиология”, “Лингвокультурология”, “Лексикография” махсус курсларини такомиллаштиришда, систем-структур ҳамда антропоцентрик парадигманинг прагматика каби соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ахлоқ” умумий семали атов бирликларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали бирликларининг лексик тизимда алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ сифатида барқарор ўринга эгаллиги атов бирликларнинг таркиби ҳам бошқа мавзуий гуруҳлар сингари тил тизимида шакл, мазмун ва семантик структурага эга эканлиги исботланганига оид хулосаларидан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигининг “Лексика, лексик-семантик сатҳ, лексикология ва лексикография” деб номланган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғига мувофиқ 274-312 рақами асосида рўйхатга олинган). Натижада дарсликдаги лексемада шакл ва мазмун яхлитлигини таҳлил ва тасниф қилиш талқинига доир маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш имконини берган;

Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликлари шаклий структурасига кўра сўз, содда, кўшма, жуфт сўз шаклларида ҳамда мураккаб ва барқарор бирикмалар шаклида ҳам учраши, сўз шаклидаги бирикмалар туб ва бирикма шаклидаги атов бирликлар содда ва мураккаб бирикма шаклидаги бирликларга бўлиниши аниқланганига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимида бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши”, ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзуларидаги фундаментал ва илмий-амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 29 августдаги 17.01/167-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликлари тизимини аниқлаш ва шу асосда тил бирликларини таснифлашга доир илмий қарашларнинг мукаммаллаштириш имконини берган;

“ахлоқ” маъновий гуруҳи адолатли бўлиш ахлоқи, виждонли бўлиш ахлоқи, ватанпарварлик ахлоқи, ростгўйлик ахлоқи, инсонпарварлик ахлоқи, андишали бўлиш ахлоқи, ор-номусли бўлиш ахлоқи, сабр-тоқатли бўлиш ахлоқи, оилапарварлик ахлоқи бирликлари билан “Маънавий муносабатлар ахлоқи” уясини ҳосил қилиб, миллий-маънавий ва Шарқ ахлоқини шакллантирувчи энг асосий тушунчалар эканлиги далилланганига оид хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг “Файзли кун” ҳамда “Интеллектуал шоу” дастурининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 15 августдаги 241-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу дастур учун тайёрланган материаллар мазмун жиҳатидан такомиллашган, илмий далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шундан, 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 125 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбек тилида “ахлоқ” умумий семали атов бирликлари тизими”** деб номланган. Бобнинг **“Оламнинг ўзбек лисоний тасвирида “ахлоқ” категорияси”** деб номланган биринчи бўлимида **“маънавият”** категориясининг моҳияти, унинг таркибий қисмларидан бири бўлган **“ахлоқ”** маъновий гуруҳини аниқлаш ҳамда уларнинг тизимли муносабатлари тавсифи келтирилди. Ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар лингвистик нуқтаи назаридан **“ахлоқ”** маъновий гуруҳи алоҳида лексик-семантик категория сифатида тадқиқ қилинмаганлиги боис таҳлилга тортилаётган **“ахлоқ”** маъновий гуруҳи ҳам тил тизимида мустакил лексик-семантик категория ҳосил қила оладиган бирлик эканлиги аниқланди.

“Ахлоқ” умумий семали атов бирликларни аниқлашда ҳар бир лексема муайян бирлаштирувчи сема асосида бошқа лексемалар билан ўзаро бирлашган, бириккан ҳолда ушбу гуруҳни ташкил этиши ёритилди. **“Маънавият”** лексик-семантик категориясининг моҳияти сифатида унинг таркибий қисмларининг ўзаро узвийликда яшаши ва муносабатини ташкил қилишида кўришимиз мумкин. Шунингдек, **“ахлоқ”** маъновий гуруҳининг семантик марказида **“виждон”, “ростгўйлик одоби”, “исроф”, “увол”, “бурч”, “ор-номус”, “ватанпарварлик”, “меҳнатсеварлик”** каби семемалар туради.

Тилшуносликда **“Оламнинг лисоний тасвири инсон онгидаги борлиқнинг умумий концептуал моделининг таркибий қисми, яъни ушбу лисоний тасвир инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурлари бўлаги бўлиши билан бирга, унга истикболда борлиқни англаш ва идрок этишга кўмак беради”⁴**. Ушбу лисоний тасвирдаги акс этган тушунчалар орқали инсоннинг орттирган шахсий

⁴ А.Серебренников, Е.С.Кубрякова, В.И.Постовалова и др. Кубрякова Е. // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. Отв. ред Б.А.Серебренников; АН СССР, Ин-т языкознания. – М.: Наука, 1988. – 212 с.

тажрибаси, миллий ментал хусусиятларини ифодалашига кўра шахсий, миллий ва умуминсоний лисоний тасвирларга бўлинади.

Бобнинг **“Ахлоқ” тушунчасини ифодаловчи атов бирликларининг ўзбек тили лисоний тизимидаги ўрни**” деб номланган иккинчи бўлими алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбек тилида “маънавият” лексик-семантик категориясининг марказий тушунчаларини ифодаловчи семантик майдонлардан бири – ахлоқ эканлиги, “ахлоқ” маъновий гуруҳини икки хил таснифлаш унинг лисоний қимматини янада мустаҳкамлаши таҳлил қилинди. Хусусан, биринчи таснифга кўра фалсафий жиҳатидан олганда мустақил фан, яъни “Этика”, “Ахлоқшунослик” бўлса, иккинчи таҳлилга кўра, филологик нуктаи назардан қараганда “маънавият” лексик-семантик категориясининг асосий маъновий гуруҳларидан бири “ахлоқ” маъновий гуруҳи эканлиги ёритилди. Бу категория ўзбек тилининг лисоний тизимида алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ (ЛМГ)ни ташкил этиши илмий исботланди. “Ахлоқ” маъновий гуруҳи кенг лингвистик ҳодиса, таҳлил натижаларида лисоний ва нутқий жиҳатлари орқали унинг хусусиятларини кузатиш мумкин. “Ахлоқ” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланган: **“Ахлоқ** [а.– кишининг табиати] Муомала, хатти-ҳаракат одоби. *Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Газетадан. Раҳбар ахлоқидаги асосий нарса сўз ва иш бирлигини ўз фаолиятининг мазмуни деб билиш.* “Фан ва турмуш”⁵. Юқоридаги изоҳларнинг лексик маъноларида *“тарбия кўрган”, “инсонга хослик”, “шахснинг ижобий хислати”, “амал қилмоқ”, “характер”, “маънавий камолот”, “маънавий ҳодиса”, “яхши хулқ”, “ёқимли хислат”, “такомиллашиш”, “хатти-ҳаракат”, “ўзини идора қилмоқ”, “ижобий хислатларнинг мавжудлиги”* семаларидан иборат.

“Ахлоқ” маъновий гуруҳининг таркиби “шахс” тушунчаси ва унга хос фаолият билан боғлиқ бўлади. Қуйида ушбу фаолиятнинг ички узвлари ҳақида батафсил тўхталамиз. “Ахлоқ” маъновий гуруҳининг ички узвлари дастлабки бўлинишда қуйидаги маъновий гуруҳларга бўлинади:

1. “Касбий ахлоқни ифодаловчи” атов бирликлари маъновий гуруҳи.
2. “Хизмат кўрсатиш ахлоқини ифодаловчи” атов бирликлари маъновий гуруҳи.
3. “Оила ахлоқини ифодаловчи” атов бирликлари маъновий гуруҳи.
4. “Дипломатия ахлоқини ифодаловчи” атов бирликлари маъновий гуруҳи.
5. “Бадий адабиёт ахлоқини ифодаловчи” атов бирликлари маъновий гуруҳи.
6. “Ахлоқий-маънавий эҳтиёж ва меъёрларни белгилайдиган” атов бирликлари маъновий гуруҳи.

Бу гуруҳларнинг мавзу доираси чегараланган эмас, аммо ушбу бўлинишларнинг ўзи “ахлоқ” маъновий гуруҳи моҳиятини лексик-семантик ёритишга асос бўла олади. Бу бўлинишлар мазмуний гуруҳланиши натижасида унинг ички узвлари намоён бўлади.

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – Б. 120.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг парадигматик хусусиятлари”** деб номланган. Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг лексик тизимда алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ (ЛМГ) сифатида барқарор ўринга эга. “Ахлоқ” умумий семали атов бирликларнинг маънодошлари ва УСМси, ХСМси орқали қўлланишидаги ўзаро фаол ва нофаоллиги билан характерланади. Бунда атов бирликларнинг шакл ва маъно муносабатининг лисоний ва нолисоний омиллари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин.

Лисоний бирликлар бир-бирини эслатиб туриш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли уларга оид бўлган лексемаларнинг семаларидаги алоқадорлик инobatга олинади. Хусусан, *“ахлоқ”* лексемаси *хулқ* лексемасини, *хулқ* лексемаси *одоб* лексемасини эслатади. Лекин *“ахлоқ”* лексемаси тўғридан-тўғри *одоб* ёки *хулқ* лексемасини эслатмайди. Сабаби улар ички уялар орқали ўзининг маъновий гуруҳларини ҳосил қилади. Ахлоқ ва унга тегишли лексемаларни эслатувчи бирликлар умумий ўхшаш белгиларга эга бўлади. Жумладан, *“ахлоқ”* лексемасининг семаларида *“тарбия кўрган”*, *“инсонга хослик”*, *“шахснинг ижобий хислати”*, *“амал қилмоқ”*, *“характер”*, *“маънавий камолот”*, *“маънавий ҳодиса”*, *“яхшии хулқ”*, *“ёқимли хислат”*, *“такомилланиш”*, *“хатти-ҳаракат”*, *“ўзини идора қилмоқ”*, *“ижобий хислатларнинг мавжудлиги”* маънолари мавжуд. Бу фарқлар умумий семантик маъно ва хусусий семантик маъно билан фарқланади. Бундан ташқари маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг ифода семалари турлича изоҳланиши мумкин.

Ўзбек лисоний онгида *“ахлоқ”* категорияси жуда катта семантик қатламни ташкил этади. Бу қатламнинг кенглиги унинг маънодошларида акс этади. Ана шундай ҳолатларда *“ахлоқ”* категориясининг маънодошларидаги умумий ва хусусий фарқлар лексемаларнинг мазмуний муносабатларини очиб беради.

Ҳар бир атов бирлиги маъновий гуруҳи ўз ичида яна ички гуруҳларга ҳам бўлиниб кетадики, бу тил тизимининг узвийлик ва изчиллик тамойили асосида мавжудлигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, айрим бирликлар семантик серкирралиги сабабли лисоний бирликнинг турли парадигмага кира олиши тамойили асосида турли атов бирликлари маъновий гуруҳида учраши мумкин. Бу, бир қарашда, ҳодисалар таснифининг мураккаблиги билан белгиланади. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ахлоқнинг кўринишларини ажратишда уларнинг икки хил ифодаланиши кўзга ташланади. Масалан, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғоялар асосида ҳамда лингвистик майдон шаклида. Ҳар иккала майдонда ҳам ички семаларнинг узвларига асосланилади.

Диссертациянинг **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг семантик ва структур хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлими **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг семантик структураси”**га бағишланган. Ушбу бўлимда *“маънавият”* лексик-семантик категориясининг *“ахлоқ”* маъновий гуруҳи ўз ичида ички категорияга бўлиниши, ўзбек тилидаги ахлоқий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг семантик-структур, генетик, концептуал кўринишлари ҳамда лексикографик талқини муаммоси

бўйича мавжуд илмий қарашларни назарий жиҳатдан бойитиши янги илмий-назарий хулосалар бериши билан ёритилди. “Маънавият” умумий семали атов бирликларда шахснинг ҳам, миллатнинг ҳам ахлоқи ва ахлоқий устуворликлари ҳамдамеъёрларини акс эттирувчи лексемаларнинг семантик хусусияти акс эттирилди.

Қуйида “маънавият” лексик-семантик категорияси “ахлоқ” маъновий гуруҳининг семантик структураси жадвал асосида ёритилди.

“МАЪНАВИЯТ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯСИ “АХЛОҚ” МАЪНОВИЙ ГУРУҲИНИНГ СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИ	
Исломий ахлоқ	Миллий ахлоқ
1. Қуръони каримда ахлоқнинг ифодаланиши	1. Шахс ахлоқи
2. Ҳадиси шарифда ахлоқнинг ифодаланиши	2. Оила ахлоқи
3. Пайғамбарлар зикрида ахлоқнинг ифодаланиши	3. Жамоатчилик ахлоқи
4. Ҳадисшунослар қарашларида ахлоқнинг ифодаланиши	4. Жамият ахлоқи
5. Имомларнинг фатволарида ахлоқий қарашларнинг ифодаланиши	5. Миллат ахлоқи

Ўзбек тилидаги лексик категорияларнинг ички узвларини аниқлаштириш орқали уларнинг лексик имкониятлари очилади. Ўрганилаётган лексик категориянинг имкониятлари кенгаяди. Хусусан, “маънавият” лексик-семантик категориясининг мазмун-моҳияти ана шу имконият орқали юзага чиқади. “Маънавият” лексик-семантик категориясининг “ахлоқ” маъновий гуруҳи ўз ичида ички категорияга бўлинади. “Ахлоқ” маъновий гуруҳининг маъновий таркиби кенг ва серқирралигини қуйидаги бўлинишдан ҳам англаш мумкин. Ушбу гуруҳ “Ижтимоий муносабатлар ахлоқи”, “Маънавий муносабатлар ахлоқи” маъновий гуруҳларга бўлинади ва улар ўз навбатида лексемалар билан кенгаяди. Бу жадвал яқунланувчи эмас, у турли муносабатларда давом этаверади.

“АХЛОҚ” МАЪНОВИЙ ГУРУҲИНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ	
ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АХЛОҚИ	МАЪНАВИЙ МУНОСАБАТЛАР АХЛОҚИ
1.Юриш-туриш, хатти-ҳаракат ахлоқи	1. Адолатли бўлиш ахлоқи
2. Молиявий муносабатлар ахлоқи	2. Виждонли бўлиш ахлоқи
3. Касбий ахлоқ	3. Ватанпарварлик ахлоқи
4. Суҳбатлашиш ахлоқи	4. Ростгўйлик ахлоқи
5. Кийиниш ахлоқи	5. Инсонпарварлик ахлоқи
6. Таомланиш ахлоқи	6. Андишали бўлиш ахлоқи
7. Табиатга ахлоқий муносабат	7. Ор-номусли бўлиш ахлоқи
8.Ҳайвонот дунёсига ахлоқий муносабат	8. Сабр-тоқатли бўлиш ахлоқи
9. Биологик ахлоқ	9. Оилапарварлик ахлоқи

Оламнинг ўзбек лисоний манзарасида ахлоқий тушунчалар ва “ахлоқ” умумий семали атов бирликлармиллий менталитетимиз талабларидан келиб

чиққан ҳолда шаклланади, кенгаяди ва ривожланади. Асосий ахлоқий тушунчаларда ифодаланган энг муҳим масалаларшу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг шаклий структур хусусиятлари”** деб номланган. “Ахлоқ” маъновий гуруҳини ифодаловчи атов бирликлари структурал нуктаи назардан лексемалардан фарқ қилади. Бундай бирликларнинг шаклий жиҳатдан шаклланиши етакчи ва кўмакчи морфемалардан иборат. “Ахлоқ” умумий семали атов бирликлари шаклий структурасига кўра сўз, содда, мураккаб ва барқарор бирикмалар шаклида учрайди. Бундай шаклларнинг таркиби, “ахлоқ” умумий семали мураккаб атов бирликлар шаклий структураси жиҳатидан кўшма, жуфт сўз шаклларига ҳам эга. Содда бирикма шаклидаги бирликлар сўз бирикмаси, турғун боғлама, кўшма феъл, кўмакчи феълли сўз кўшилмаси ва сўз кўшилмаси ҳолидаги кўринишлари мавжуд. Барқарор бирикма шаклидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликлар мақол, матал, ҳикматли сўз ва ибора шаклида ҳам учрайди. Бу каби кенгайган грамматик бирликлар тузилиш жиҳатдан мураккаб бўлишига қарамай, умумий мазмунда ахлоқ ва унга оид маъноларни намоён этади.

Масалан:

Хушхулқлик – жамол, камтарлик камол. Одоб билан бахт топилар, сабр билан – тахт. Ақл билан одоб эгизак. Камтар камолга етар. Бардошлига ёғлик ош. Борар ерингга тош отма.

Ушбу мақолларнинг умумий семасида “камтарлик”, “одоб”, “сабр”, “ақл”, “комиллик”, “андиша” маъноларини акс эттириб, “ахлоқ” маъновий гуруҳини ташкил этган. Бунда мураккаб синтактик бирликларнинг аҳамияти муҳим эканлигини таъкидлаш мумкин.

“Ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг шаклий структур хусусиятлари ибора кўринишида ҳам учрайди. Гарчи улар луғавий бирлик ҳисобланса-да, структуравий аҳамият касб эта олади.

Масалан:

“ахлоқий маданият” мавзуий гуруҳига тегишли: бети чидамади – андиша қилди, номус қилди;

“шарқона маданият” мавзуий гуруҳига тегишли: эшигига бош қўйди – хокисор бўлди, хокисорлик қилди.

Бундан ташқари “ахлоқ” маъновий гуруҳи бирликлари тузилиш жиҳатидан тенг бирикмали атов бирлик шаклда ва гап шаклидаги бирликлар қисман ҳам учрайди. Бу каби грамматик бирликлар тузилиш жиҳатдан мураккаб бўлишига қарамай, умумий мазмунда ахлоқ ва унга оид маъноларни намоён этади.

Бобнинг учинчи бўлими **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг шакл ва маъно муносабати”** деб номланган. “Ахлоқ” маъновий гуруҳи ички гуруҳларининг лексемалари ўзаро маънодошлик ва зидлик муносабатида бўлади. Ушбу маъновий гуруҳлар орасидаги гипо-гиперонимлик муносабат асосан ички маъновий гуруҳларга бўлинганди янада аниқроқ намоён бўлади.

Шахсий муносабатни ифодаловчи “ахлоқ” категорияси марказий тушунчасини “тинч-тотув яшаш” бирикмаси ташкил қилади. Аслида “тинч-тотув яшаш” бирикмасининг марказини “аҳиллик”, “камтарлик”, “хушмуомалалик”, “андишали”, “тенглик” ҳамда “адолатли” лексемалари ташкил қилади. Бу лексемаларнинг ҳар бири ўзининг маънодошлик қаторига эга. Қуйида шуларга тўхталиб ўтамиз.

Аҳиллик лексемасининг маънодошлик қатори: *аҳиллик, иноқлик, яқинлик, иттифоқлик, тотувлик, аҳилчилик* лексемалари маънодошлик муносабатида бўлиб “тинч-тотув яшаш” бирикмасини кенгайтиради. Ушбу маънодошлик қатори шахсий муносабатни ифодаловчи “ахлоқ” категориясини ташкил қилади.

Инсонпарварлик ахлоқнинг энг асосий меъёрларидан бири *беминнат ёрдам қўлини чўзмоқ, инсон қадри, беминнат ёрдам, халққа ғамхўрлик, зоявий тарбиялаш, инсонпарварлик зояси, эркинлик нашидаси, раҳм-шафқат* атов бирликларидан иборат. Улар ўз навбатида қуйидаги маънодошлик қаторини ташкил қилади.

“Беминнат ёрдам қўлини чўзмоқ” атов бирлигининг маънодошлик қатори: *саховатпеша, ҳотамитой, карамли, ҳимматли, мурувватли, марҳаматли, кароматли, киромли, олийҳиммат, хайр-саховатли, сахийлик.*

Ушбу лексемалар, яъни *саховатпеша, ҳотамитой, карамли, ҳимматли, мурувватли, марҳаматли, кароматли, киромли, олийҳиммат, хайр-саховатли, сахийлик* маънодошлик қатори семантик карама-қарши маъноларига эга бўлган зикна, бахил, китмир, ҳасадгўй, қурумсоқ, ҳасис лексемалари билан антонимликни юзага келтиради.

Диссертациянинг **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг лексикографик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлими **“Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг ЎТИЛда берилиши”**га бағишланган. “Маънавият” лексик категориясига оид лексемаларнинг луғатларда берилиши муаммоси, академик, оммабоп ва ўқув филологик сўзликларида, алифболи ва системали луғатларда мазкур сўзларни бериш ва изоҳлаш муаммолари, махсус лингвوماънавиятшунослик луғатлари ва комусларини тузиш масалалари, шунингдек, таржима ва гиперлуғатларда, миллий корпусларда бирликларнинг моҳиятини очиб бериш каби масалалар назарий ва амалий лексикографиянинг долзарб вазифалари ҳақида сўз юритилди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ахлоқ” умумий семали айрим атов бирликларга тегишли полисемантик сўзлар маъно қирраларининг кенгайганлиги беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бойиганидан дарак беради. Албатта, бунга сўз маъноларини изоҳлаш ва фарқли томонларини солиштириш, маълум категорияга қарашли турли лексик бирликларни изоҳлашда лексикография соҳасида эришилган янги ўзгаришлардан фойдаланилади. Ўзбек тилида “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг изоҳли луғатда берилишига эътибор қаратсак, аввало, алифбо тартибида, тизимли ва кенг кўламли ҳамда умумий маъно моҳияти очиб берилганлиги яққол сезилади. “Изоҳли луғатларда келтирилган иллюстратив мисоллар сўзларнинг турли маъно қирраларини кўрсатишга,

Ўз навбатида, тил эгаси бўлган миллатнинг дунёкарашини намоён этишга хизмат қилади⁶. Шу боисдан тил ва маънавият муштараклиги муаммосининг тилшуносликда ўрганиладиган хусусий ва бошқа фанлар билан ҳамкорликда тизимли ҳал этиладиган лингвистик томонлари мавжуд.

Кейинги йилларда ўзбек тилида ҳам лексикологияга оид илмий-тадқиқот ишларининг юзага келиши лексикография фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, беш жилдлик изоҳли луғатдаги “ахлоқ” категориясига тегишли лексемалар икки жилдлик луғатдаги миллий ахлоқ қоидаларимизга, миллий ментал характеримизга оид лексемаларни кенгроқ камраб олгани ва уларнинг маъновий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда бойитилиб тузилгани билан тавсифлаш мумкин.

Бобнинг иккинчи бўлими “Ўзбек тилидаги “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг ЎзМЭда берилиши” деб номланган. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да (кейинги ўринларда ЎзМЭ) “ахлоқ” умумий семали атов бирликларининг семантик майдонига тегишли бирликларнинг ҳаммаси ҳам луғатдан жой олмаган. Бунга сабаб, ЎзМЭда киритилган мақолаларнинг номлари (сўзлар, терминлар) ни имкон қадар қисқа шаклда (қўпинча бир ёки икки сўз, айрим ҳоллардагина бир неча сўз билан) беришга ҳаракат қилинган ва луғатда “ахлоқ” маъновий гуруҳига оид бир-бирига яқин мақолалар ва мисоллардаги баъзи маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини мазмунан тўлдириши учун, баъзи бир мақолаларни ўқувчининг қийналмай топишига ёрдам бериш учун ҳавола тизимидан фойдаланилади. Ушбу ҳавола этилаётган мақола номи қия ҳарфлар (курсив) билан ёзилади. Ўзбек тилидаги луғатларда маънавиятга оид лексемаларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишга бағишланган замонавий лексикографиянинг аҳамияти ва ўрни муҳим. Луғатлардаги лексик бирликлар, улар орасида лексемаларнинг маданиятлараро мулоқот қилувчиларнинг лингвистик ва ижтимоий-маданий муносабатлари бирдек акс этиши луғатлар турларига боғлиқ. Ундай луғатларда умумий ва махсус мақсадларга мўлжалланган ўқув луғатларининг устувор хусусиятлари берилган бўлади.

ЎзМЭда “ахлоқ” категориясига оид бирикмали шакллар ҳам кўп учрайди ва унинг амалий аҳамияти муҳим саналади.

Ушбу бирикмалар турли кўринишда учрайди. Масалан:

1. “Ахлоқ” умумий семали содда бирикмали атов бирликларнинг берилиши: *меҳнат интизоми, меҳнат тарбияси, оила тарбияси* кабилар.

